

Мис саноати кластерини ташкил этиш ва  
ривожлантириш бўйича махсус комиссия йиғилишининг  
2022 йил “30” декабрдаги 1 -сон баёнига  
3-илова

## **“Ohangaron Tech Industrial” технопарки ҳудудида инвесторларни жойлаштириш тартиби**

### **I-боб. Умумий қоидалар**

1. “Ohangaron Tech Industrial” технопаркини бошқариш ва инвесторлар билан ишлаш бўйича Низом (кейинги ўринларда – Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мис ва ноёб металл хомашёсини қайта ишлашнинг технологик занжирларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 28 июндаги ПҚ–295-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ohangaron Tech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” давлат унитар корхонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 августдаги 459–сон қарорларига асосан, шунингдек, “Ohangaron Tech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” давлат унитар корхонаси низомига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу тартиб Технопарк иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш, уларнинг реестрини юритиш, Мис саноати кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича Махсус комиссия қарорига мувофиқ маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириб бориш, Технопарк иштирокчилари томонидан ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириши, маҳсулотларни экспорт қилиши, янги иш ўринлари яратиши ҳамда инвестициявий мажбуриятларни бажариши устидан мониторинг ўрнатиш тартибини белгилайди, шунингдек томонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

2. Ушбу низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Дирекция** – “Ohangaron Tech Industrial” технопаркини бошқариш дирекцияси” давлат унитар корхонаси;

**Махсус комиссия** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июндаги ПҚ-5159-сон қарори билан тасдиқланган Мис саноати кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича махсус комиссия;

**Лойиҳа офиси** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 августдаги 498-сон қарори билан ташкил этилган Лойиҳа офиси;

**Технопарк** – Тошкент вилояти Оҳангарон туманида мис ва ноёб металлларни қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган “Ohangaron Tech Industrial” технопарки;

**Инвестиция лойиҳаси** – иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи;

**Инвестор** – фойда олиш мақсадида инвестиция фаолияти объектларига ўзининг маблағларини ва (ёки) қарз маблағларини ёхуд жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилишни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти;

**Технопарк иштирокчиларининг реестри** – Технопаркнинг иштирокчилари ва инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотларнинг ахборот базаси;

**Инвестиция буюртманомаси** – Инвестиция лойиҳасига тегишли бўлган маълумотлар акс эттирилган ҳужжат шакли;

**Гувоҳнома** – Технопарк иштирокчиси мақомини тасдиқловчи ҳужжат;

**Инвестиция битими** – Инвестиция фаолияти субъекти ва Дирекция ўртасида тузиладиган инвестиция шартномаси, тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган ёзма битим;

**Ерни ижарага олиш ҳуқуқи** – Технопарк ҳудудидаги ер участкаси бўйича Дирекция билан ижара шартномаси тузиш ҳуқуқи;

**Ер ижараси тўлови** – ажратилган ер майдонларининг 1 гектари учун белгиланган миқдордаги йиллик тўлов;

**Инвестиция лойиҳаси хулосаси** – инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида Лойиҳа офиси хулосаси асосида Махсус комиссия томонидан қабул қилинадиган қарор.

## **II-боб. Технопарк ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир умумий талаблар**

3. Технопарк ҳудудида амалга ошириш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига доир умумий талаблар жумласига қуйидагилар киради:

- мис, ноёб металллар ва бошқа маъданли минерал ресурсларни қайта ишлашнинг кўп поғонали технологик занжирларини ўзлаштириш орқали электротехника, электроника ва бошқа юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

- кон-металлургия ва унга боғлиқ саноат тармоқларида фойдаланиладиган ускуналар ва техникалар, улар учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар, автоматлаштириш воситалари ҳамда бошқа асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш;

- молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги;

- Технопарк фаолиятига ва тармоқ ихтисослашувига мувофиқлик;

- технологик ускуналар ва технологик жараёнлар кўрсаткичларининг замонавий энергия самарадорлиги талабларига мувофиқлиги;

- архитектура ва қурилиш, техник жиҳатдан тартибга солиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлик.

4. Технопарк ҳудудида фаолиятнинг қуйидаги турларини амалга ошириш таъқиқланади:

- экологик стандартларга ва меҳнатни муҳофаза қилиш стандартларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш;

- қурол ва ўқ-дорилар ишлаб чиқаришни, қурол ва ўқ-дорилар савдоси;

- ядровий материаллар ва радиоактив моддалар ишлаб чиқариш, ядровий материаллар ва радиоактив моддалар савдоси;

- алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

- хом терига ишлов беришни, ҳайвонларни ҳайдаб боқишни ёки сўйиш;

- цемент, бетон, цемент клинкери, ғишт, темир-бетон плиталар ишлаб чиқариш, кўмир, оҳак ва гипсдан маҳсулот ишлаб чиқариш;

- барча турдаги чиқиндиларни қайта ишлаш, парчалаш, ёқиш, газлаштириш, уларга кимёвий воситалар билан ишлов бериш, уларни якуний ва (ёки) вақтинча сақлаш ва (ёки) ер остига кўмиб ташлаш;

- нефтни қайта ишлаш заводлари, атом электр станциялари, ядровий қурилмалар, радиациявий манбалар, қайта ишланган ядровий ёқилғи, радиоактив моддалар ва чиқиндилар, шунингдек бошқа радиоактив чиқиндиларни сақлаш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган пунктлар ҳамда қурилмаларни жойлаштириш.

### **III-боб. Инвестиция буюртманомасини бериш тартиби**

5. Инвестиция буюртманомаси Инвестор томонидан Дирекцияга тақдим этилади. Инвестиция буюртманомаси 1-иловага мувофиқ намунавий шакл асосида тўлдирилади.

Инвестиция буюртманомасига қуйидагилар илова қилинади:

- юридик шахс уставининг ва юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхалари (инвестор — юридик шахс учун);

- шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси (инвестор — жисмоний шахс учун);

- инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ёки техник-иқтисодий асоси. Бизнес-режа ёки техник-иқтисодий асос ушбу Йўриқномага 2-иловада белгиланган талаблар асосида шакллантирилган ҳолда тақдим этилади;

6. Инвестор томонидан инвестиция буюртманомасини тақдим этиш, унинг Дирекция, Лойиҳа офиси ва Махсус комиссия томонидан кўриб чиқилиши электрон тарзда амалга оширилиши мумкин.

7. Чет эл юридик шахслари чет давлатнинг қонунчилигига биноан юридик шахс эканлигини тасдиқловчи легаллаштирилган ҳужжатларнинг давлат ва инглиз тилидаги таржимасини нотариал тартибда тасдиқланган ҳолда тақдим этади.

8. Чет эл юридик шахслари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни легаллаштириш талаб қилинмайди, агар:

- ҳужжатларга апостиль қўйилган бўлса;

- ҳужжатлар шартлашаётган тарафлардан бирининг ҳудудида тайёрланганлиги ёхуд муассаса ёки махсус ваколат берилган шахс томонидан уларнинг ваколоти доирасида ва белгиланган шаклда тасдиқланганлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган бўлса, бу ҳужжатлар бошқа шартлашувчи тарафларнинг ҳудудларида бирон-бир махсус гувоҳномасиз қабул қилинади.

#### **IV-боб. Инвестиция буюртманомасини Лойиха офисига хулоса бериш учун тайёрлаш ва тақдим этиш**

9. Дирекцияга ёзма равишда расмий мурожаат орқали келиб тушган инвестиция буюртманомаси ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган бўлса, кейинги иш куни рўйхатдан ўтказилади.

10. Дирекция инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни икки иш куни ичида кўриб чиқади. Ҳужжатлар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда ҳужжатлар тўплами қайтариш сабаблари асослантирилган ҳолда қайтариб юборилади. Қайтариш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар бартараф этилганидан кейин инвестиция буюртманомаси Дирекцияга такроран тақдим этилиши мумкин.

11. Камчиликлар бўлмаган тақдирда, инвестиция буюртманомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар Дирекция томонидан Лойиха офисига юборилади.

12. Лойиха офиси томонидан кўриб чиқиш муддати йигирма иш кунини ташкил этади. Кўриб чиқиш жараёнида инвестиция лойихасини амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, шунингдек қонунчилик талабларга мувофиқлиги аниқланади.

13. Кўриб чиқиш якунларига кўра инвестиция буюртманомаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар Лойиха офиси томонидан қайтариш сабаблари асослантирилган ҳолда Дирекцияга қайтарилиши мумкин. Инвестор қайтариш учун асос бўлиб хизмат қилган сабабларни бартараф этганидан кейин тўлиқ ҳужжатлар тўплами Дирекция томонидан такрорий Лойиха офиси томонидан кўриб чиқиш учун юборилади.

14. Лойиха офиси инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш муддати ўн иш кунини ташкил этади. Бунда илгари кўриб чиқилган ҳужжатларга нисбатан янги мулоҳазалар тақдим этилишига йўл қўйилмайди.

15. Инвестиция буюртманомаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар Лойиха офиси хулосаси билан бирга Дирекция томонидан Махсус комиссияга икки иш куни ичида кўриб чиқиш учун юборилади.

### **V-боб. Инвестиция буюртманомасини Махсус комиссия томонидан кўриб чиқилиши**

16. Махсус комиссия инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган хужжатларни фақат Лойиха офисининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина кўриб чиқади.

17. Инвестиция буюртманомаси Махсус комиссия томонидан Дирекция уни киритган кундан эътиборан беш иш куни ичида кўриб чиқилади.

18. Инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш жараёнида Махсус комиссия инвесторга инвестиция лойихасига ўзгартиришлар (қўшимчалар) киритишни таклиф қилиши мумкин. Бунда Махсус комиссиянинг таклифлари унинг қарорида акс эттирилади. Инвестор таклиф этилаётган ўзгартиришларга (қўшимчаларга) рози бўлмаган тақдирда Махсус комиссия томонидан инвестор иштирокида инвестиция буюртманомасини такрорий кўриб чиқиш амалга оширилади.

19. Махсус комиссия инвестиция лойихасини амалга ошириш ҳақида ёки уни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

20. Тақдим этилган хужжатларда ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқланган тақдирда, Махсус комиссия инвестиция буюртманомасини кўриб чиқишни тугатади, инвестиция буюртманомаси эса қайтариш сабаблари асослантилган ҳолда инвесторга қайтарилади.

21. Инвестор Махсус комиссиянинг инвестиция лойихасини амалга ошириш ҳақида тўғрисида қароридан кўчирма олган кундан эътиборан беш иш куни ичида юридик шахс таъсис этиб, уни Технопарк жойлашган ердаги рўйхатдан ўтказувчи органда юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказади ёки ўзи илгари таъсис этган юридик шахс (тадбиркорлик субъекти)ни қайта рўйхатдан ўтказади.

### **VI-боб. Ер участкаларини ижарага бериш**

22. Инвестиция буюртманомасида кўрсатилган инвестиция лойихасини амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкаси электрон-онлайн аукционга қўйилади.

23. Дирекция ер участкасининг инвестиция лойихасини амалга ошириш учун зарур бўлган электрон-онлайн аукционини Махсус комиссиянинг Технопарк ҳудудида инвестиция лойихасини амалга ошириш тўғрисидаги қарори асосида ўтказилишини ташкил этади.

24. Электрон-онлайн аукционга чиқариладиган Технопарк ҳудудидаги ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини олиш учун бошланғич нарх ер участкасининг 1 гектарига электрон-онлайн аукционга чиқариш кунидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баробари миқдорида белгиланади.

Бунда Дирекция томонидан инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқиш жараёнида ер участкасининг майдони, инфраструктуравий қулайликларидан ва таклиф этилаётган инвестиция лойихаси мазмунидан келиб чиқиб, ер участкасининг бошланғич нархи 1 гектарига базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваридан юқори миқдорида таклиф этилиши мумкин.

25. Аукционга чиқарилган ер майдонларини ижарага бериш бўйича аукционда бир иштирокчи қатнашган тақдирда ҳам савдолар ўтказилган ҳисобланади.

26. Аукцион ғолиби аукцион ғолиблик баённомасида белгиланган миқдордаги тўловни амалга оширганидан сўнг, Дирекция билан ушбу Йўриқномага 3-иловада белгиланган шаклдаги ер ижараси шартномаси ва 4-иловада белгиланган шаклдаги инвестиция битимини тузиш ҳуқуқини қўлга киритади.

27. Ер участкаси ёки бўш турган (фойдаланилмаётган) бино унинг умумий майдонини ва жойлашган ерини белгиланган ҳолда берилади.

28. Ер ижараси шартномаси бўйича ажратилган ер участкаларининг 1 гектари учун 2023 йил 1 январга қадар йиллик 10 млн. сўм миқдорида ижара тўловлари амалга оширилади. Келгуси йиллар учун ижара тўлов миқдорлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

29. Ер участкасини ижарага олиш шартлари ер ижараси шартномасида назарда тутилади.

#### **VII-боб. Инвестиция битими**

30. Дирекция инвестиция лойиҳасида баён этилган шартлар, муддатлар ва тартиб-таомилларга мувофиқ инвестиция битимини тузади.

31. Инвестиция битими ер участкаларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн-аукцион ғолиби аниқланганидан кейин аукцион ғолиби ва Дирекция ўртасида ер ижараси шартномасининг муддатига тузилади.

32. Инвестиция битими Инвестор томонидан ташкил этилган юридик шахс Технопарк иштирокчиси мақомини олган санадан эътиборан кучга киради.

33. Инвестиция битими қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари бекор қилинади:

- юридик шахс Технопаркнинг иштирокчиси мақомидан маҳрум этилган тақдирда;
- Технопарк муддатидан олдин тугатилган тақдирда;
- Махсус комиссия Технопарк иштирокчисини Технопарк иштирокчилари реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилганда;
- қонунчиликда ёки инвестиция битимида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

#### **VIII-боб. Технопарк иштирокчиси мақоми**

34. Технопарк иштирокчиларининг реестрига киритиш учун Инвестор томонидан ташкил этилган юридик шахс Дирекцияга юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхасини ва Технопарк иштирокчиларининг реестрига киритилганлик учун ушбу Йўриқноманинг 8.3-бандида кўрсатилган миқдорда тўловни тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади.

Дирекция ушбу ҳужжатларни олган кундан эътиборан икки иш куни ичида юридик шахсни Технопарк иштирокчиларининг реестрига киритади ва ушбу Йўриқномага 5-иловадаги намунавий шаклга мувофиқ Гувоҳнома беради.

35. Инвестор томонидан таъсис этилган юридик шахс дирекция билан инвестиция битими имзолангунига қадар Гувоҳнома бериш тўхтатиб турилади.

36. Инвестор Дирекцияга Технопарк иштирокчиларининг реестрига киритилганлик учун тўлов амалга оширилган санадаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробари миқдорда тўловни тўлайди.

37. Инвестор томонидан таъсис этилган юридик шахс Дирекция томонидан Технопарк иштирокчилар реестрига киритилганлиги ҳақидаги Гувоҳнома олганидан кейин Технопарк иштирокчиси мақомини олади.

38. Дирекция юридик шахс Технопарк иштирокчиларининг реестрига киритилганидан кейин икки иш куни ичида бу ҳақда тегишли солиқ, божхона ва статистика органларини хабардор қилади.

39. Технопарк иштирокчисининг инвестиция битимида назарда тутилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини инвестиция битими бўйича барча мажбуриятлар бажарилгунига қадар бошқа юридик шахсга ўтказишига йўл қўйилмайди.

40. Технопарк иштирокчиси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва инвестиция битимига мувофиқ амалга оширади.

41. Технопарк иштирокчиси Дирекция тақдимномасига биноан Махсус комиссиянинг тегишли қарори билан Технопарк иштирокчилари реестридан чиқарилади.

Махсус комиссиянинг Технопарк иштирокчисини Технопарк иштирокчилари реестридан чиқариш тўғрисида қарор чиқаришига қуйидаги ҳолатлар асос бўлади:

- Технопарк тугатилганда;
- Технопарк иштирокчиси (юридик шахс) тугатилганда;
- Технопарк иштирокчиси юридик манзил манзил ўзгариб, янги юридик манзили Технопарк ҳудудидан ташқарида бўлган тақдирда;
- Технопарк иштирокчиси инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда;
- Технопарк иштирокчиси уни Технопарк иштирокчилари реестридан чиқариш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;
- Технопаркнинг иштирокчиси қайта ташкил этилган тақдирда, бундан солиқ ва божхона тўловлари бўйича бир хил имтиёзларга эга бўлган Технопарк иштирокчилари ўртасида амалга ошириладиган қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш мустасно.

Ушбу банднинг иккинчи қисми тўртинчи хатбошида назарда тутилган асослар бўйича юридик шахснинг Технопарк иштирокчилари реестридан чиқариш тўғрисидаги қарор устидан Технопарк иштирокчиси томонидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

42. Махсус комиссиянинг Технопарк иштирокчилари реестридан чиқариш тўғрисидаги қарори Дирекция томонидан Технопаркнинг иштирокчиси билан инвестиция битимини бекор қилишга ва унинг Технопарк иштирокчиси мақоми йўқотишига олиб келади.

43. Дирекция Технопаркнинг иштирокчиси Технопарк иштирокчиларининг реестридан чиқарилганидан кейин бир иш куни ичида бу ҳақда Технопарк иштирокчисини, Махсус комиссияни, солиқ, божхона органларини ва статистика органларини, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини юридик шахснинг Технопарк иштирокчиси мақомини йўқотганлик санаси ва асосларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда (шу жумладан электрон почта орқали) хабардор қилади.

Юридик шахснинг Технопарк иштирокчиси мақомини йўқотиши солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа преференциялар бекор қилинишига олиб келади.

44. Технопарк иштирокчиси инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, Инвестор томонидан Технопарк ҳудудида ташкил этилган юридик шахс Дирекциянинг ташаббусига кўра Технопаркнинг иштирокчиси мақомидан маҳрум этилиши мумкин.

Бунда Дирекция томонидан Технопарк иштирокчисининг инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги факти (бундан энгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари юзага келган ҳоллар, шунингдек Дирекциянинг айби билан юзага келган ҳоллар мустасно) аниқланган тақдирда, қоидабузарликлар ва инвестиция битимида белгиланган бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбуриятлар батафсил баён этилган тегишли далолатнома тузилади, ушбу далолатнома Дирекциянинг вакиллари ва иштирокчиси томонидан имзоланади. Далолатномада Технопарк иштирокчисининг инвестиция битими бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаши керак бўлган муддат ҳам кўрсатилади. Бу муддат тўксон кундан ошмаслиги лозим.

Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги тасдиқланган тақдирда, Дирекция ва иштирокчиси инвестиция мажбуриятларининг оқилона муддатларда бажарилишини таъминловчи жадвал тузади, бунда форс-мажор ҳолатлари бошланиши билан боғлиқ бўлган кечикишнинг аниқ муддатлари эътиборга олинади.

45. Технопарк иштирокчиси инвестиция битими бўйича мажбуриятларини ушбу Йўриқноманинг 8.11-банди назарда тутилган ҳолатлар бўйича тузилган далолатнома кўрсатилган муддат ичида бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, Дирекция Махсус комиссияга Технопаркнинг иштирокчисини инвестиция битимини бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда (шу жумладан электрон почта орқали) хабардор қилади.

Агар ўн кун ўтгунига қадар Технопарк иштирокчиси инвестиция битимининг бекор қилинганлиги тўғрисидаги қарор юзасидан судга шикоят қилмаган бўлса, инвестиция битими бир томонлама тартибда бекор қилинган ҳисобланади.

Агар Технопарк иштирокчиси инвестиция битимининг бекор қилинганлиги тўғрисидаги қарор юзасидан судга шикоят қилган бўлса, унда инвестиция битими бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ келгусидаги низолар суд тартибида ҳал қилиниши лозим.

Юридик шахснинг инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги муносабати билан Технопаркнинг иштирокчиси мақомини йўқотганлиги солиқ ва божхона имтиёзларининг бекор қилинишига, тўланмаган солиқ ва божхона тўловларининг тўлик ҳажмда ундирилишига ҳамда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун юридик шахсга берилган ер участкалари, бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинишига сабаб бўлади.

46. Технопарк иштирокчилари реестридан чиқариш тўғрисидаги ариза Технопарк иштирокчиси томонидан Дирекцияга берилади. Дирекция келиб тушган аризани икки иш куни ичида Махсус комиссияга тақдим этади.

47. Махсус комиссиянинг қарорида Технопарк иштирокчиси томонидан етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шу жумладан Дирекциянинг судга муурожаат қилиши орқали қоплаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилиши мумкин.

48. Юридик шахснинг Технопарк иштирокчиси мақомини йўқотиши Дирекцияга моддий зарар етказмаган тақдирда унинг Технопарк ҳудудидаги фаолияти тугатилишига, шунингдек юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мулк ҳуқуқларининг тугатилишига олиб келмайди. Бунда ушбу юридик шахс Технопарк иштирокчилари учун берилган махсус ҳуқуқий режимдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотади.

### **IX-боб. Яқуний қоидалар**

49. Технопарк иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан кафолатланади.

9.2. Махсус комиссия аъзолари ва Дирекция ходимлари ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажариши муносабати билан инвестиция буюртманомасини ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни кўриб чиқиш чоғида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларга нисбатан махфийлик сақланишига риоя этиши шарт.

9.3. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги Махсус комиссия қарори ва (ёки) Лойиҳа офисининг хулосаси устидан инвестиция буюртманомасини берган инвестор қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

**“Ohangaron Tech Industrial” технопарки худудида инвестиция  
лойиҳасини жойлаштириш учун инвестиция  
БҮҮРТМАНОМАСИ**

**1. Инвестор (инвесторлар) тўғрисида маълумотлар**

Мурожаатчи (инвестор ёки инвесторлар) ташкilotнинг номи, келиб чиққан давлати	
Инвестор (ёки инвесторлар) тўғрисида маълумот, жумладан давлат рўйхатидан ўтган санаси ва жойи, таъсисчи(лар) ва бошқалар	
Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, таъсисчиларнинг устав фондидаги улушининг таксимланиши ва қўйилмаларнинг шакли	
Мурожаатчи ташкilotнинг жойлашуви (манзили)	
Ишлатаётган Банк номи (филиали)	
ИНН/СТИР	

**2. Инвестиция лойиҳаси тўғрисида маълумотлар**

Инвестиция лойиҳасининг номи	
Инвестиция лойиҳасининг мақсади ва қисқача тавсифи, жумладан ишлаб чиқаришнинг йиллик қуввати	
Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг номи, қўлланилиши ва асосий белгилари	
Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ТИФ ТН коди (10 та белги)	
Маҳсулотнинг ўртача йиллик ишлаб чиқариш ҳажми, экспортга ва ички бозорга йўналтириладиган ҳажмини (натура кўринишида ва экв.АҚШ долларида) ҳисобга олган ҳолда	
Асосий хом-ашё, материал ва бутловчи қисмлар (маҳаллий ва импорт), уларнинг тайёр маҳсулотдаги улуши (% да)	
Хом-ашё, материаллар, бутловчи қисмларга бўлган йиллик талаб (экв. АҚШ долларида), шу жумладан маҳаллий ва импорт	

Маҳсулот стандартлари — ГОСТ, ОСТ, ТУ, O'zDst, ISO 9001 и ISO 14001 ва бошқалар	
Фойдаланилиши мўлжалланаётган савдо маркаси	
Ишлаб чиқаришнинг бошланиш санаси	
Ташкил этилаётган иш ўрни, жумладан маҳаллий ходимлар	

### 3. Зарур майдон ва инфрамузилма тўғрисида маълумотлар

Талаб этиладиган майдон (га)	
Ишлаб чиқариш майдонлари (кв.м.)	
Электроэнергияга бўлган талаб (кВт/соат йилига), ўрнатиладиган қувват (кВт ёки МВт)	
Табиий газга бўлган талаб (куб.м., йилига), босим (атм.)	
Ичимлик ва техник сувга бўлган талаб (куб.м., йилига)	
Ифлослантирувчи моддалар чиқаришнинг мавжудлиги, жумладан газлар (номлари) кг, йилига ёки соатига, қаттиқ чиқиндилар (номлари) тн/ойда, суюқ чиқиндилар (номлари) тн/ойда ва бошқалар	

### 4. Лойиҳанинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

Лойиҳанинг қиймати (экв.АҚШ долларарида)	
Молиялаштириш манбалари (тўғридан- тўғри инвестициялар, маҳаллий таъсисчилар маблағлари, тижорат банклари кредитлари)	
Машина ва асбоблар қиймати (экв.АҚШ долларарида), жумладан маҳаллий ва импорт	
ҚМИ қиймати (экв.АҚШ долларарида)	
Айланма капитал суммаси (экв.АҚШ долларарида)	
Инвестицияларни киритиш шакли ва жадвали	
Лойиҳанинг қопланиш муддати (бизнес-режага мувофиқ)	

\* МД — ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси; И — импорт қилинаётган хом-ашё, материаллар ва бутловчи қисмларнинг валютадаги қиймати (божхона тўловлари билан бирга); Т — маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш таннархи (маҳаллий етказиб берувчилардан олинган импорт хом-ашёси маҳаллий ҳисобланмайди).

Раҳбар \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.О)

\_\_\_\_\_ (сана)

## **Бизнес-режа тайёрлаш бўйича асосий ТАЛАБЛАР**

1. Инвестицияларнинг ҳажмлари, турлари ва муддатлари, молиялаштириш манбалари ва кредит олишда қутилаётган гаров;
2. Инвестиция лойиҳасининг молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблари ва иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари;
3. Таклиф этилаётган инвестициялар ҳажми, тури ва муддатлари, молиялаштириш манбалари;
4. Юридик шахс (кейинги ўринларда буюртманома берувчи) ёки унинг таъсисчилари ташкил этилганлиги, уларнинг тегишли соҳадаги ва шунга ўхшаш инвестиция лойиҳасини амалга оширишдаги тажрибаси тўғрисидаги маълумотлар;
5. Ходимларни ишга олиш манбалари кўрсатилган ҳолда яратиладиган иш ўринлари сони;
6. Ишлаб чиқариш режалаштирилган маҳсулотларнинг номи, хусусиятлари ва ҳажмлари;
7. Ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш ҳажмини кўрсатган ҳолда маҳсулотларнинг тахминий баҳолари ва бозорлари;
8. Ишлаб чиқариш режалаштирилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларини маркетинг тадқиқотлари;
9. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш даврида маҳаллий ва импорт қилинадиган материаллар, бутловчи қисмлар алоҳида кўрсатилган ҳолда хомашё базаси ва кафолатланган хом ашё ва материаллар билан таъминлаш имконияти мавжудлиги;
10. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси ва якуний маҳсулотнинг товар позициясининг дастлабки 4та рақамдан бири даражасида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси кодига мувофиқ хом ашё ўзгариши ҳисоб-китоблари (ТН ВЭД 2017 версияси бўйича код);
11. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурслар ва тайёр маҳсулотларни логистика ва ташиш;
12. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва ишлаб чиқаришнинг барқарор ишлаши учун муҳандислик-коммуникация воситаларининг (электр энергияси, газ, ичимлик ва саноат суви, канализация, йўллар) зарур ҳажмлари ва параметрлари;

13. Газлар, қаттиқ ва суюқ чиқиндиларнинг турлари ва ҳажмини кўрсатувчи саноат чиқиндиларининг мавжудлиги;

14. Ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш учун эркин иқтисодий зона ҳудудидаги талаб қилинадиган майдоннинг ҳажми;

15. Асосий ишлаб чиқариш цехи, асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш линияси, маъмурий бино, омборхона ва бошқа ёрдамчи биноларнинг жойлашишини кўрсатувчи ишлаб чиқариш жойининг дастлабки схемаси;

16. Технологик асбоб-ускуналар, ишлаб чиқарувчилар, мамлакатларга етказиб берувчилари рўйхати билан таклиф этилаётган ишлаб чиқариш технологиясининг тавсифи (экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда);

17. Ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун мўлжалланган технологик асбоб-ускуналарнинг характеристикалари, шунингдек, халқаро стандартларга жавоб берадиган инвестиция лойиҳасида фойдаланиладиган бошқарув тизими;

18. Ишлаб чиқарилиши режалаштирилган маҳсулотларнинг кўшилган қиймат кўрсатилган жадвали.